

Бугунги
сонда:

ДУНЁГА КЕЛДИГУ
БОЗОРГА БОРДИК...

“ЧЎЛ КЕМА”лари
КЎПАЯДИ

Обунага...
ОҚ ЙЎЛ!

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
16 сентябрь

ЧОРШАНБА
№ 62 (13323)

@haqiqatonline

Маҳаллийлаштириш

БИР ДАҚИҚАДА

400 ТА МАҲСУЛОТ



Юкори Чирчиқ туманидаги “Sof Gigenik” масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда биринчилардан бўлиб болалар гигиеник воситалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга эришган корхоналардан бири. Фаолиятини 2017 йилда бошлаган мазкур корхона ўтган қисқа вақт давомида нафақат ўзимизда, балки ташқи бозорда ҳам харидорларини топиб улгурди.

Хусусан, бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг 35 фоизи Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, БАА ва Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда. Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида йилдан-йилга ишлаб чиқаришга энг замонавий технологик линиялар жалб этилаётти.

— Дарҳақиқат, корхонамиз цехлари хорижнинг замонавий ва илғор ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, автоматик бошқарув тизимига эгамиз, — дей-

ди корхона муҳандиси Жавлон Нуров. — Қўриб турганингиздек, линияга зарур хом ашё кўйилиб, назорат қилиб турилса, кифоя. Мазкур техникалар ёрдамида бир дақиқада ўртача 400 та болалар тагликлари ишлаб чиқарилаётган. Улар ишчилар томонидан қадоқлангач, буюртмачиларга пешма-пеш жўнатилади.

Ҳозирда корхонада карантин талабларига риоя этган ҳолда 250 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Уларга барча зарур шароитлар яратилган, маошлари ўз вақтида бериб борилаётти. Келгусида корхона фаолиятини кенгайтириб, яна қўшимча иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Бу борадаги амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Зухриддин РАҲМОНОВ
/Тошкент ҳақиқати/
Мансур НАХАЛОВ олган суратлар

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ПИСКЕНТ ТУМАНИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

Кеча Халқ депутатлари Пискент тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда вилоят ҳокими Рустам Холматов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Шухрат

ри бўйича ёрдамчиси бўлиб ишлаб келган Рихсиев Раҳимжон Мирқодировични туман ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тасдиқладилар. Шунингдек, Пискент тумани прокурори, ички ишлар бўлими бошлиғи, солиқ инспекцияси бошлиғи ҳам лавозимидан озод этилгани маълум қилиниб, улар ўрнида янги иш бошлаган сектор раҳбарлари туман фаолларига таништирилди.

Аҳмедов ишда йўл қўйган хато ва камчиликларини учун вазифасидан озод қилинди.

Депутатлар шу чоқча вилоят ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалала-

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси-нинг биринчи ўринбосари Қ. Қуранбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси-нинг ўринбосари У. Ташходжаев иштирок этди.

Бунёдкорлик Энг яхшиси болажонлар учун



Эпидемиологик вазият мураккаб бўлишига қарамай, Ангрен шаҳрида ҳам тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини карантин талабларига мослашган ҳолда давом эттиришмоқда. Қуни кеча шаҳарда яна бир бунёдкорлик иншооти — «Барақа устоз» хусусий фирмаси қошида ташкил этилган 150 ўринли “Самина” хусусий мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Мазкур нодавлат мактабгача таълим ташкилотидида 6 та гуруҳ бўлиб, ҳар бир гуруҳда болаларни қабул қилиш хонаси, машғулотлар хонаси, ётоқхона, ошхона бурчаги, ювенил хонасида кичкинтойлар учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, умумий мусиқа зали, тиббиёт хонаси, педагог ходимлар учун хона, болалар ўйингоҳи, ошхона ҳам замонавий дизайнда жиҳозланган.

— Мактабгача таълим ташкилотимизда тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама баркамол ўсишлари учун қўлай шароитлар яратиш билангина чекланиб қолмасдан, уларнинг ижодий ва жисмоний қobiliятларини ривожлантириш мақсадида турли хил тўғарақлар



фаолияти ҳам йўлга қўйилади, — дейди “Барақа устоз” хусусий фирмаси раҳбари Раҳмон Давлатов. — Таълим муассасаси фаолияти “Илк қадам” Давлат дастури доирасида йўлга қўйилади. Турли ўйинлар орқали рус ва инглиз тилидан чуқурлаштирилган таълим берилади. Бундан ташқари, ҳар бир боланинг маънан ва интеллектуал ривожланиши учун оила ва мактабгача ташкилот ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга қарор қилдик.

— Бугунги кун ҳолатига шаҳримизда 14 та нодавлат ҳамда оилавий мактабгача таълим ташкилоти мавжуд, — дейди шаҳар мактабгача таълим бўлими mudirasi Наталья Овасипова. — Шунингдек таъкидлаш жоизки, бугун биз таълим ташкилотларида тўлиқ ўрганиш олиб бордик. Деярли барча болалар болаларни қабул қилишга тайёр. Айниқса, санитария-гигиена меъёrlари талаблари кўнгилдагидек йўлга қўйилибди. Ўз муҳбиримиз

БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОДАМЛАР РОЗИЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН

2

“Нақш” га кўнмаган келим

...“чиқиш эҳтиёт йўли”ни ҳалигача тополмаяпти

Унда ҳали ўзбек тилига давлат мақоми берилмаган эди. Аммо, гоҳ жамоат жойларида, гоҳида катта-кичик давраларда, айрим пайтларда ҳатто, матбуот саҳифаларида ҳам шундай қилиш вақти келганлиги ҳақидаги исёнкор суҳбатларнинг гувоҳи бўлиб турардик. Шу туфайли бўлса керак, дарё қаёққа оқаётганлигини дилдан ҳис қилган, “тишдан-тирноғигача интернационал” руҳда тарбия топган ва миллий тилда сўзлашни шу пайтгача ўзига “эп кўрмаган” дўстларимиз ҳам гоҳ-гоҳида ўзбекча гапириб юборишарди.

Масалан, “Самарқанд” автошўбекасида (ҳозирги Жанубий вокзал рўпарасида) онда-сонда шундай эълонлар қулоққа чалиниб қоларди:

— Вниманию пассажиров! Ташкент—Пскент, через Куйлюк, Карасу, Ташморю маршрути буйича юрадиган автобус туртинчи площадкадан жуниди!

Орадан кўп ўтмади. Орзуларимиз ушалди. Аризаларни ўзбекча ёзиш, йиғилишларда ўз тилимизда лўқма ташлаш ҳуқуқи берилди бизга. Мағрурланиб кетдик. Тилни мукамал ўрганиш учун уларга мўддат ҳам белгиладик.

— Гап шу, — дедик дангал, — ўзбек тилида ҳеч бўлмаса бoгча боласи даражасида сўзлашадиган бўлинглар...

Тан олиш керак, 1989 йилнинг 21 октябры кўни ўзбек тилига давлат мақоми берилган, оммавий ахборот воситаларида ҳам, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ҳам атамаларни ўзбекчалаштириш оммалашиб кетди. Бу ҳодиса шундай авж олдики, натижада ғализ жумлаларни ҳам зўрма-зўраки истёмоғига кирита бошладик. Масалан, ўша пайтларда ЗАГС — ФХД, радио — овознигор, республика — жумхурия, район — ноҳия, самолёт сўзини тайёра деб атадик. Тўғри, “тайёра” арабча сўз бўлиб,

21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

“тайр”, яъни “қуш” деган маънони беради. Бу “Алихўжа — Хўжали” дегани эди. Истеъмоғга сингиб, барча учун тушунарли бўлган ва лўғат бирлигимизга айланган сўзларни “русча” деб “қувиб”, ўрнига арабча ёки бошқа тилдаги муқобилини киритиб, уларни ўзбекчалаштирган бўлдик. Университетни — дорилфунун, факультетни — кулпёт, транспортни — нақлиётга айналтирдик. Тасаввур қилинг, йигит бўлажак қаллиғи, аниқроғи фақат хужжатларда ўзбегу аслида шаҳардаги кўп қаватли уйларда яшовчи, “чалаўрис” оилада тарбия топган ва замоннинг зайли билан рус мактабини битирган қиз билан учрашувга чиққан. Йигит олийгоҳ талабаси, шу боис дадаси каби “октябрь революцияси” руҳида эмас, аксинча, “21-октябрь руҳида” тарбияланган ва куда томонга янги қонунларни қанчалик билишини ҳам кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, “Жонгинам, ФХДга ариза беришимиз лозим экан, нақлиётни қачонга қақиртирай?” деса, қиз уни ишқ дардида мияси айнаиб қолганми, деб ўйлаши табиий эди.

(Давоми 4-саҳифада)

ЧИНОРГА МИХЛАНГАН...



ФАРОСАТ

Пахта — 2020

ФИРМОН БОШИДАН УШХАБАР

Пахта йиғим-теримининг илк кунлариданоқ Бекобод туманидаги “Далварзин” пахта тозалаш заводида 253 тоннадан зиёд пахта хом ашёси топширилди.

Хусусан, “Озодбек-Уктамбек” фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Артиқбоев 86,4 тонна, “Сохибжон-Авазбек” фермер хўжалиги бошлиғи Соҳида Каримкулова 6,7 тонна пахта топшириб, белгиланган шартнома режасини

биринчилардан бўлиб бажаришди.

Туман ҳокимлиги томонидан илғор теримчилар, фаол механизаторлар ва фермер хўжалиқлари раҳбарларига ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.





– Рустам Курбонназарович, вилоят маъмурий маркази Нурафшон шахрига кўчиб ўтганининг аҳоли турмуш тарзига таъсири қандай бўлди, одамларга қулайлик яратилгани ёки қийинчиликлар туғдиргани?

– Раҳбарлар, мутасаддилар халққа қанчалик яқин бўлса, муаммо ва муносабатларни ҳал қилиш шунчалик осон кечади. Одамлар орасида бўлиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас.

Илгари вилоят маркази пойтахтимизда жойлашган бўлиб, фуқаролар арзимаган юмуш билан 100-150 чақирим йўл босиб Тошкентга боришга мажбур эди. Энди масофа анча қисқарди.

Бугун Нурафшон шахрида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги илк «Smart City» («Ақлли шаҳар») қурилиши учун 213 объект бузилиб, эгаларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 24,5 миллиард сўм тоvon пуллари ажратилди. Ҳозирги кунда шаҳарнинг марказий қисмида 172 бино ва иншоот барпо этилиши режа-

Бугун вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар самараларига қўпчилигимиз гувоҳимиз. Энг муҳими, бундай тадбирлар янги ғоя ва ташаббуслар, инновацион лойиҳалар асосида олиб борилмоқда. Бу жараёнда, ҳеч шубҳасиз, вилоят ҳокими Рустам ХОЛМАТОВнинг катта ташкилотчилик салоҳияти, қатъияти ва ташаббускорлиги ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Қувонарлиси, бу эътироф мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ҳам доимий диққат-марказида турбди.

Бир вақтлар бутун бошли «адабий бастион» деб таърифланган машҳур «Тулистон» журнали ҳам яқинда вилоятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тўлиқнига нигоҳ ташлаб, ўз саҳифаларида вилоят ҳокими билан каттагина суҳбат эълон қилди. Вилоятимиз аҳлини кенгроқ хабардор қилиш мақсадида мазкур мулоқотни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

бўлган 428 та лойиҳа фойдаланишга топширилди, 11 минг 681 янги иш ўрни яратилди. Зангиота туманидаги «Нурли Диёр Агро» МЧЖ томонидан «Гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш» лойиҳаси ишга туширилди. Натижада, йилга 550 тонна гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхона фаолият бошлади. 250 янги иш ўрни очилди.

Ангрен шахрида «Great Wall Ceramic Industries» МЧЖ кўшма корхонаси томонидан «Санитар буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2-босқич)» лойиҳаси ишга туширилиши натижасида 200 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Умумий қиймати 2,8 триллион сўмга тенг 91 та лойиҳа муддатида амалга оширилмоқда ва 4 минг 565 янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Тошкент туманида «SUN FLOWER SEEDS» МЧЖ томонидан «Кунгабоқар уруғидан ёғ ва омухта ем ишлаб чиқариш» лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, корхона ишга туширилгач, истеъмол бозори-га йилга 3 минг тонна сифатли кунгабоқар

ни вақтинча тўхтатган бўлса, бугунги кунда карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда 12 минг 406 та субъект ишини қайта тиклади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлашни 6 ойга кечиктириш юзасидан 419 та корхона мурожаат қилган.

Пандемиянинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирининг олдини олиш, sanoat барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида банклар томонидан 7 минг 142 юридик шахснинг 1 089,5 миллион сўм ҳамда 142 минг 150 нафар фуқаронинг 1 498,7 миллион сўм миқдоридagi кредитларининг тўлаш муддати узайтирилди.

Бундан ташқари, Давлат активлари бошқаруш агентлигининг вилоят бошқармаси томонидан 719 нафар тадбиркорнинг 2 328,9 миллион сўмлик ижара тўловлари тўхтатилди, 33 та «ноль» ва «бир сўм» қийматда берилган объектлар бўйича 3 153 миллион сўмлик инвестиция мажбуриятлари муддати узайтириб берилди.

Эътироф

бўлиб, уларнинг аксарияти тадбиркорлик ва имтиёзли кредитлар олиш, ёшлар бандлиги, ёшлар кафиллиги, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалалардан иборат.

Йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, таклиф ва муаммоларини ҳал этиш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида туман (шаҳар)ларда 180 мартаба «Ҳоким ва ёшлар» (шундан 22 таси онлайн) учрашуви ўтказилди. Тадбирларда 27 минг 423 нафар йигит-қиз иштирок этиб, 1 минг 802 муаммо ва таклифлардан 1 минг 105 таси жойида ҳал этилган бўлса, 678 тасининг ҳал этиш чоралари белгиланди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлини маси Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, Давлат солиқ ҳамда Бандлик бошқармалари билан ҳамкорликда ишсиз ёшлар ва тадбиркорликка қизиққан битирувчилар иштирокида «Мен



санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида ҳудудимиздаги 4 та олий таълим муассасасида «Ёшлар театр студиялари» ҳамда «Ҳаваскорлик жамоалари» фаолияти йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 71 та маданият марказларининг 45 таси таъмирланди, 36 тасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Оққўрғон ва Бўка туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этилди.

Вилоятда ахборот-кутубхона марказлари 854 тадан иборат бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида 24 та янги ахборот-кутубхона марказлари бунёд этилди. Ўн та ахборот-кутубхона марказида таъмирлаш ишлари, Юқори Чирчиқ, Тошкент, Қўйи Чирчиқ, Оққўрғон туманларида ахборот-кутубхона маркази қурилди. Зангиота, Қибрай, Паркент, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ туманларида замонавий «Китоб олами» мажмуалари ташкил этилди. 234 номдаги 100 мингга яқин бадиий адабиётлар мактабларга, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарга топширилди. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан «Китоб қаровни» акцияси доирасида 48 номдаги жами 47 мингдан ортиқ бадиий адабиётлар 967 та таълим муассасаларига тақдим этилди. Умуман, китоб дўконлари сони 102 тага, кутубхоналар сони 1 минг 118 тага етди. Улардаги китоб фонди эса 2 миллион 8 мингдан ортиқ.

– Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида ҳам сўзлаб берсангиз?

– Хотин-қизларни тадбиркорликка, ҳунармандликка жалб этиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида шаҳар ва туманлардаги Бандлик марказларига иш сўраб мурожаат қилган 27 минг 551 хотин-қиздан 24 минг 184 нафарининг бандлиги таъминланди. Бугунги кунда 15 минг 601 аёл доимий, 8 минг 583 нафари вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда.

«Устоз-шоғирд» тизими бўйича тикувчилик ва тўқимачилик йўналишидаги ўқув курсларида 1 минг 832 нафар хотин-қизларнинг ўқиши йўлга қўйилди. Жами 376 нафар бизнес кўникмаларига эга хотин-қизлар қайта ўқитилди. 440 нафар ногирон аёллар касаначилик асосида, 480 нафарининг эса «Устоз-шоғирд» тизими асосида бандлиги таъминланди. Ёш оилалар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишида «Мустаҳкам ва соғлом оила барпо этамиз» шiori остида «Мен муваффақиятли аёлман» лойиҳаси, «Аёлларда янги кўникмалар, касблар ва тадбиркорлик саводхонлигини ошириш» каби 90 дан ортиқ тарғибот лойиҳалари амалга оширилди. Тадбирларда 400 дан зиёд ёш оилалар ва 5 минг нафардан ортиқ ёш хотин-қизлар қамраб олинди.

Уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган, оғир ижтимоий шароитда яшаётган, боқувчисини йўқотган, нотураб бино ва ижарада яшовчи 288 нафар хотин-қизлардан 24 нафарига амалий ёрдам бериш чоралари қўрилди. Оғир ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 260 нафар аёлга вилоят касаба ташкилотлари уюшмаси томонидан жами 374 миллион сўм қийматидаги тикув машинаси тарқатилди.

Шу билан бирга, вилоят касаба ташкилотлари уюшмаси томонидан 22 та туман-шаҳарнинг ҳар бирига 70 миллион сўм миқдориди ажратилган маблағ эҳтиёжманд хотин-қизларнинг хонадонларини таъмирлаш, коммунал тўловларини тўлашга йўналтирилди.

– Вилоятда туризмининг ривожлантириш имкониятлари катта. Қолаверса, мавжуд тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар, иқлими ҳам экотуризм учун жуда қулай. Бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталсангиз.

– Мазкур йўналишда салмоқли ишлар қилинапти. Буни рақамлар мисолида тахлил қиладиган бўлсак, яққол кўзга кўринади. Масалан, ўтган йилги маълумотларга кўра, вилоятда 98 меҳмонхона, 516 оилавий меҳмон уйи, 16 дам олиш маскани ҳамда 28 санаторий мавжуд. Бундан ташқари, 3 минг 701 та дала ҳовли ҳам бор. Улар бир кунда жами 27 минг 941, бир ойда 838,2 минг сайёҳни қабул қилиш имконига эга.

Вилоятда 6 та музей бўлиб, улар Ангрен, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оққўрғон, Янгийўл ва Чиноз туманларида жойлашган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан Паркент туманидаги Қумушкон қишлоғида юртимизда биринчи бўлиб «Туризм қишлоғи» лойиҳаси бошланди.

Бундан ташқари, туризм соҳасида тадбиркорлигини ривожлантиришда қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилда қиймати 695 миллион сўмлик 44 та лойиҳани амалга ошириш ва 2 минг 373 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Инвестиция лойиҳаларининг 7 таси (3 та замонавий меҳмонхона, 4 та дам олиш ва профилактика санаторийси) биринчи ярим йилликда фойдаланишга топширилди ва натижада 300 та янги иш ўрни яратилди. Келгуси йилда қиймати 1,9 триллион сўм бўлган 32 та лойиҳани фойдаланишга топшириш, натижада 1 минг 598 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Келажақда ишларингизга омад тилаймиз.

Манзура ШАМСИЕВА суҳбатлашди.

БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОДАМЛАР РОЗИЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН

лаштирилган бўлиб, айна пайтда уларнинг 36 тасида қурилиш ишлари олиб борилапти. Шаҳарда канализация тизими, ичимлик сув, газ ва электр энергияси таъминоти бутунлай янгидан йўлга қўйилади. Биргина канализация ва ичимлик сув қувурлари учун ҳукуматимиз томонидан 141 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, 4 минг куб. метр сувни тозалайдиган иншоот барпо этилмоқда. Шу кунгача 9 та тижорат банкининг бинолари бунёд этилди. Бир-икки йил мобайнида 96 та ана шундай иншоотлар қад ростлайди. Ҳозиргача 14 та етти қаватли тураржой биноси қуриб битказилди. Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бўлими, адлия, молия ва факултетда вазиятлар бошқармаларининг маъмурий бинолари, автосалон қурилиб, фойдаланишга топширилди. Умуман, шаҳарда умумий қиймати 782 миллиард 500 миллион сўмдан иборат 41 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Нурафшонни мамлакатимиздаги биринчи «Ақлли шаҳар»га айлантириш тўғрисидаги концепцияга мувофиқ, бу ерда маъмурий бинолар, замонавий тураржойлар, бизнес марказлари, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, Ёшлар ижодиёт марказлари, кутубхоналар, мактаблар, кўп тармоқли шифохоналар бунёд этилади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари, истироҳат боғлари, яшил майдонлар, пиёдалар ва велосипедчилар учун ҳиёбонлар, йўллар қурилади. Жамоат транспорти ҳаракати ҳам йўлга қўйилади. Умумий майдони 217 гектар бўлган собиқ Тўйтепа шаҳарчаси ўрнида вужудга келган Нурафшон шаҳрининг жами майдони бугунги кунда қарийб 16 баравар кенгайди. Мавжуд 22 маҳалла фуқаролар йиғинида 48,5 минг аҳоли истиқомат қилади.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар гал вилоятга ташриф буюрганида ҳудуднинг ўзига хос имкониятлари хусусида гапирар экан, вилоятда тўпланган тажрибани оммалаштиришни алоҳида таъкидлайди. Хусусан, ўтган йил 2 июндаги ташрифи чоғида ҳам бир неча вазифаларни белгилаб берди. Ушбу вазифалар ижроси қандай амалга оширилаяпти?

– Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ҳар бир ташрифи чоғида ҳудуднинг ўзига хос табиий шароити, имкониятлари хусусида сўз очиб, тўпланган тажрибани оммалаштириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. Вилоятимизнинг инвестиция ва экспорт имкониятлари бекиёс. Тупрогининг унумдорлиги, бетактор табиати билан қадр топан замин. Унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб, бунинг учун меҳнат, интилиш ва тинимсиз изланиш талаб этилади.

Президентимиз белгилаб берган вазифалар ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019-2022 йилларда умумий қиймати 103,8 триллион сўм миқдоридидаги жами 909 та лойиҳа амалга оширилиши, улар асосида 45 минг 569 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Дастур доирасида 2019-2020 йиллар мобайнида умумий қиймати 5,7 триллион сўм

ёғи етказиб бериш билан бирга, чорва моллари учун омухта ем ҳам тайёрланади.

Паркент туманида «Паркент бройлер» МЧЖ парранда гўшти ва тухум етиштиришга ихтисослашган лойиҳа қурилгач, йилга 10 минг тонна пархёз гўшти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Пировардида 400 янги иш ўрни яратилади.

– Аҳолининг камбағаллик даражасини ўрганиш, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Узоқ йиллар давомида аҳолининг камбағал қатлами ҳақида гапирилмади. Бу вазифа бугун устувор ҳисобланади. Шу боис, мазкур масалага алоқадор ташкилотлар томонидан камбағалликни қисқартириш бўйича барча чора-тадбирлар қўрилаяпти. Худудларда эҳтиёжманд оилалар, ишсизлар «Saxovat.Argos.Uz» ахборот тизимининг ян-



гиланган шаклига киритилиб, ёрдам кўрсатилаяпти. Бугунги кун ҳолатига 34 минг 116 ёрдамга муҳтож оила аниқланиб, уларга ёрдам кўрсатилмоқда.

– Жорий йил бутун дунё, хусусан, мамлакатимиз учун ҳам оғир ва синовли келди. Иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини сақлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун вилоятда қандай имкониятлар мавжуд ва улар қандай самара бермоқда?

– Биз мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллигига улкан ютуқлар билан чиқишни режа қилган эдик. Пандемия сабаб бир мунча соҳаларда кўзда тутилган ишлар бажарилмай қолди, орта қурилди. Лекин, ҳар бир имкониятни ишга солиб, мамлакатимиз тарақиётига вилоят мисолида ҳисса қўиш учун ишлар олиб бормоқдамиз.

Бугунги кунда вилоятда жами 41 минг 251 ҳўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатиб, шундан 35 минг 367 таси кичик бизнес субъектидир. Улар сони ўтган йилга нисбатан 7 минг 410 тага кўпайди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида жами 3 минг 953 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Коронавирус пандемияси шароитида мавжуд 34 минг 808 тадбиркорлик субъектидан дастлаб 13 минг 576 таси фаолияти-

Тошкент вилояти ҳокими Рустам ХОЛМАТОВ билан суҳбат



тадбиркор бўлмоқчиман» лойиҳаси, 60 марта ўқув-семинарлар, Германия Федерацияси Жамғарма кассалари фонди томонидан махсус тайёрланган мультипликатор тренерлари иштирокида «Жамғарма касса» ҳамда «Бизнес саёҳат» машғулотлари мунтазам равишда ташкил этилаяпти.

«Ёшлар – келажагимиз» жамғармаси томонидан бу йил 212 та лойиҳа бўйича 26 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиши туфайли 1 минг 111 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Шу кунгача 65 та лойиҳага 17 минг 886 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди. Жорий йилда шаҳарсозлик талаблари асосида 72 та «Ёшлар меҳнат гузари» ва 6 та коворкинг марказлари қуриб фойдаланишга топширилиши ҳам режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача ана шундай биноларнинг 5 таси қад ростлади.

Вилоятда 21 минг 298 нафар банд бўлмаган ёшлар бўлиб, «Манзилли режа» лойиҳаси доирасида уларнинг 14 минг 537 нафарининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Шу кунгача вилоят бўйича 16 минг 185 нафар ишсиз йигит-қизларнинг бандлиги таъминланди. Қўрилиш, тадбиркорлик соҳасида 5 мингга яқин, «Ҳар бир ёшга – бир гектар» лойиҳаси доирасида 2 минг 880 нафар ёшлар ишли бўлди. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида 5 минг 493, «Ёшлар – келажагимиз», «Ҳар бир оила – тадбиркор» Давлат дастурлари доирасида бир ярим минг, меҳнат ярмаркалари ҳамда бошқа соҳаларда уч мингдан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган 17 та кооперация ташкил этилиб, 1782,54 гектар майдон 1 минг 674 нафар ишсиз йигит-қизларга узоқ муддатга берилди. Кам таъминланган мингдан ортиқ ёшларга 1 миллиард 427 миллион 200 минг сўм миқдоридидаги субсидиялар тақдим этилди.

Мактабларда 2 минг 97 та мусиқа ва ижодий тўғарақлар мавжуд бўлиб, уларга 52 минг 406 нафар ўқувчи қатнайди. Ёшларнинг мусиқа, рақсомлик, адабиёт, театр ва

– «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида иштирок этаётган тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш ҳамда муаммоларини ҳал этиш борасидаги кўрилаяётган чоралар тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.

– Бундай савобли ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган, ҳомиёлик маблағлари кўрсатаётган тадбиркорлар доимо эътиборимизда. Бугунги кунда 9 минг 162 нафар тадбиркорга муҳтож оилалар бириктирилган. Ҳомиёлар томонидан «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатига келиб тушган маблағлар 10 миллиард сўмдан зиёдни ташкил қилади.

– Ёшлар – бизнинг келажагимиз. Уларга етарлича шарт-шароит яратиш, аинқас, ҳозирги пандемия туфайли вақтинчалик ишсиз бўлган йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасида кўрилаяётган чора-тадбирларга ҳам тўхталсангиз.

– Бугунги кунда вилоятимизда 30 ёшгача бўлганлар бир ярим миллионга етди. Шундан 14-30 ёшгача бўлганлар 765 мингдан зиёд. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида Ёшлар ишлари агентлигининг жойлардаги бўлимларида 751 та мурожаат тушган

Қишлоқ мулкдорлари

Ўрта Чирчиқ туманидаги “MILKY PLANET” чорвачилик ва наслчилиikka ихтисослашган агрофирманинг фаолият кўрсатаётганига тўрт йилдан ошди.

“ЧЎЛ КЕМА”лари
КЎПАЯДИ

Айни пайтда бу ерда агрофирма раҳбари Ғуломжон Содиқовнинг саъй-ҳаракати билан Германиядан келтирилган 800 бош голштейн ва симментал насли қорамол, 15 бош зотдор ахалтекин ва қорабайир оти, 6 бош икки ўрқачли туя парваришланмоқда.

Қарийб 7 гектар майдонга эга агрофирмадаги барча ишлар

турли хасталикларга даволигини ҳисобга олиб, келгусида уларнинг соҳини кўпайтириш ҳаракатидамиз. Бу ерда сигирларни соғиш жараёни замонавий автоматлаштирилган мосламалар ёрдамида амалга оширилиб,



автоматлаштирилган, 30 киши иш билан таъминланган. Шунингдек, 320 гектар майдонга озука экинлари экилган.

— Бу ерда парваришланаётган зотдор сигирларнинг ҳар бири 20 литрча сут беради, айримларидан ҳатто 44 литрча сут олиш мумкин, — дейди иш бошқарувчи Дониёр Абдиев. — Агрофирмадаги ишлар тизим асосида йўлга қўйилган. Айниқса, “чўл кемаси” деб ном олган туяларга қатъий тартиб асосида озука берилди. Туя сутининг инсон организмга фойдаси ва

3-3,5 тонналик цистерналар орқали тоза, витаминларга бой сут буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Келгусида иш ўринларини янада кўпайтириш, наслдор қорамоллар сонини ошириш учун янги чорвачилик мажмуаларини қуриш бошланган. Агрофирма раҳбариятининг асосий мақсади аҳолига насли қорамол, от ва туя етказиб бериш билан бирга, халқимизни сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни кўпайтиришдир.

А. МУСАЕВ,
Ўза мухбири

ФОТОАЙБЛОВ

ЧИНОРГА

МИХЛАНГАН...



Вилюятимнинг тоғли ҳудудларида туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Хусусан, Бўстонлиқ тумани туризмнинг ноёб ўлароқ бугун диққат марказида. Бу сеҳрли маскан ўзининг осмонўпар тоғлари, мудом ям-яшил ўрмонлари, шифобахш ҳавосию турнақўз булоқлари, серсув шаршараларию Тошкент воҳасини оби-ҳаёт билан таъминлаб турувчи зилол ва шошқин сою дарёлари билан машҳур. Оқтош, Хумсон, Бурчмулла, Боғистон, Пском, Юсуфхона, Яккатут қишлоқларининг доврғи доvon ошган. Бу ўлкани бежиз “иккинчи Швейцария” деб аташмайди.

Шу йил июль ойининг бошларида Бўстонлиқ туманида бўлганимизда, марказий кўчалардан ўтаётиб, юз йиллик чинор даракларининг текис буталгани, оқлангани, манзарали даракларга ажабтоғур шакллар берилганини кўриб қувонгандик. Лекин, бу кайфият “Марказий” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига келганимизда ўзгарди. Йўлнинг икки томонида полиз маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилган бўлиб, унга яқин чинор даракларига қўқилган мебель ишлаб чиқариш, пайвандловчи, уй қурилиш ва таъмир ишларини бажариш, гўзаллик салони каби турли хизматлар кўрсатувчиларнинг телефон рақамлари ёзилган реклама тахталарни кўриб, дастлаб бу ҳақда йўлов-

чиларга шундай савол билан юзландик: — Мана бу даракларга қўқилган рекламаларга қандай қарайсиз? Баъзилар жавоб бермай, лоқайд кетишди. Ўз фикрига эга бўлганлар суҳбатга қўшилишди: Биринчи фуқаро: — Ана шу рекламага кўнғироқ қилиб, уйимни таъмирлатиб олдим. Иккинчи фуқаро: — Аспиди нотўғри. Лекин, бундан фойдаланувчилар бор-ку. Учинчиси: — Экология томонидан қараладиган бўлса, бу ташкилот, корхоналар жарима тўлашлари керак. Лекин, экологияга таал-

луқли қайси қонунларимиз ишляпти? Улар ана шу қилган ишлари учун жаримага тортилмас эканлар, даракларга зиён етказиш давом этаверади.

Юришни, савол-жавобни давом эттирдик. Энг қизиги, даракларнинг бирида “Марказий” маҳалла фуқаролар йиғининг маҳалла раиси, маҳалла профилактика инспекторлари, туман ИИБ ЖКБ ходимлари, туман ИИБ навбатчилик қисми телефон рақамлари ёзилган, даракта маҳкам қилиб қўқилган тахтачани кўриб, лол қолдик. Булар етмагандек, Қашқадарёдан қовун-тарвуз келтирган деҳқонлар (аксари олиб-сотарлар) бошларига куёш нури ва ёмғир тушмаслиги учун қўлбола айвонлар ясаб, савдо қилаётган ерларини “меҳмонхона”, “ётоқхона”га айлантириб, даракларга истаганларича зиён етказишгаётганига нима дейсиз? Уст-бошлари, идиш-товоллари, турли халталарини илиб қўйишганичи? Ана сизга экологик маданият!

Бошлари тепасидан ўтган шишали момиқ қоплама сочилиб ётишига қарамай, уларнинг шу ерда овқатланиши ва яшаши-

дан туман санитария-эпидемиология олоийштакли маркази беҳабар шекилли.

Чорраҳадаги светофор синиб ётибди. Бунга мутлақо бепарво равишда бозор атрофида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари ҳайдовчиларнинг ҳужжатини текшириб, баъзиларини жаримага тортишмоқда. Ана шу камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун ҳокимиятга борсак, ханма ерга карантин деб ёзиб қўйилганлиги сабабли ҳеч кимни топа олмадик. Тўғрироғи, уларнинг биз билан мулоқот қилгилари келмади.

Икки ойдан сўнг, яъни 13 сентябрда аввал кўрган ва суратга туширган манзараларимиз ҳозир қай аҳволда экан, дея яна ўша ерларни айландик. Афсуски, ҳеч қандай ўзгариш йўқ...

Даврон АҲМАД
Муаллиф олган суратлар

ДУНЁГА КЕЛДИГУ
БОЗОРГА БОРДИК...

Адабиётимизда бозор мотиви дунё, ҳаёт, умр арамзи сифатида қўлланади. Бунинг илдизи қадим фольклоримизга туташади. Ёзувчи Хуршид Дўстмухаммаднинг “Бозор” романида эса муаллиф асар эпиграфиданоқ бунинг бизга ошқор этиб кетишни маъқул кўради.

Муаллиф асарни учта катта хронология остида бирлаштиради: қироатхона, бозор, чойхона. Қироатхона — шиддатли суръатда кечаётган замоннинг эсдан чиққан, эътибордан қолган, хилват гўшаси. Бозор аҳли у ерга қадам босмай қўйган. Ва асарда тасвирлангандек, қироатхона бозордан анча юқорида жойлашган. Ҳаммага кўриниб турадиги, ҳеч ким ичига қирмайди. Аҳамият қаратмайди. Қироатхона — ҳаловат гўшаси. Қироатхона — бозор аҳли эшитишга ожизлик қилаётган ўз қалбларининг овози. Инсонни инсон қилиб тутиб тургувчи таянччини ким нима деб белгиланган бўлса, қироатхона ана ўша муқаддас таянчнинг рамзи. Эҳтимо, имон, эҳтимо, инсонларваридикди.

Фикрлаш ва мулоҳаза соҳаюхиятига эга инсон борки, ададсиз саволлар ичида доим моҳиятни, жавобни, ечимни излашга тиришади. Ўзини ўраб турган атрофдаги воқеаликлардан, жараёнлардан қониқиш ҳис қилмай ўтади. Муаллиф бош қаҳрамонни шундай гавдалантиради ўқувчи кўз унгида. У бозорни тинимсиз кузатади. Чойхонадан ёпирилаётган таъсирларни, ишораларни сезиб юради. Йўл излайди. Ечим қидиради. Бироқ қаҳрамоннинг отаси айтгандек, у бозор одами эмас. Ўзи қидираётган таянч бозорда эмаслигини Фозилбек яхши фахмлайди. Шунчаки яшалаётган умрга қараб, туғилмасликини ҳам саодат деб билади баъзан.

Қадрия — Фозилбекни ана шу ҳаловатга етакловчи бир йўл, холос. Бозорлардан тепароқда, бозордан юқорида қироатхонанинг ҳам мавжудлигига бир ишора. Фозилбек излаган таянчнинг инсоний қиёфаси. Маънисиз ҳаётдан инсонни фақат соф ва завқли муҳаббат кўтариши мумкин. Қадрия ана шу хувилроқ таянчи бўлмай, аросатда аланглаб юрганларни мана шу чойхонага қўйишни, сафини кенгайтиришни исташади. Бозордагиларнинг орзу-ҳаваси билан, нафиси билан йўналишини хушлайди улар.

Мутлоаа сеҳри

Бозор — жараён. Бозор — умр. Бозор — қироатхона ва чойхона ораллигидаги аросат. Ундан қочиб бўлмайди. Бироқ, унга суяниб ҳам бўлмайди. У ерда қироатхонадек ёлғиз қолганча руҳий хотиржамликка эришиш имконсиз. Бозор — манфаатларнинг, таъма ва илинқларнинг кешиши нуқтаси. Бозор шу қадар шовқинки, одамлар у ерда қалбидан чиқаётган овозни эшита олмайди, бора-бора сокинликда ҳам қалбининг нима истаётганини тушунишга ожиз бўлиб бораверади. Бироқ, бозорсиз яшаиш имконсиз. Сокинликка ёки ўша имонга, инсонпарварликка бўлган ички эҳтиёжини ҳис қилиш учун ҳам дастлаб, бозор оралаш керак. Бозорда яшаб кўриш керак. Бозорни бошқариб турувчи винт бу ундаги одамлар. Бозорнинг аҳволини одамлар, олиш ва сотиш ишқиди ёнаётган харидору сотувчилар белгилайди.

Асар йўқолган кампирнинг (эҳтимо, шу кампир ҳақиқат рамзидир) қироатхона остонасида кўзи ёриши тасвири билан тугайди. Бозорнинг тақдирини ўзгартирувчи бола сифатида қаралади унга. Нишенинг таъбири билан айтганда, аъло одам деб қабул қилинади. Яқунда кураш абадий эканлиги, бозор ҳеч қачон бир воқеанатда турмаслиги ойдинлашади.

Наврӯза МАҲМАДХЎҲАЕВА

2021 йил 1 октябрдан фуқаролар судга SMS орқали чақирилади

«Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарорига кўра, 2020-2023 йилларда судлар фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди.

Унга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлислари иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб борилади

ҳамда суд мажлислари баённомалари ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча суд иштирокчиларини суд мажлисларининг вақти ва



жойи ҳақида SMS орқали бепул хабардор қилиш тизими йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида энг мақбул савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очик танловга таклиф этади.

Танлов ташкилотчиси – Бюронинг Тошкент вилояти бошқармаси

1. Умумий шартлар: танловнинг барча қатнашчиларига тенг танлов шартларини яратиш, ошқоралик, талабларнинг ағоналиги ва баҳо беришда холислик танлов ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Очик танловда ижро ҳужжатлари асосида хатлиб, аукцион савдолари орқали ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда сотилиши белгиланган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди. Танлов ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир туман-шаҳар бўйича ёки алоҳида турдаги мол-мулкларни сотиш бўйича энг мақбул савдо ташкилотларини аниқлашдан иборат. Танлов ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади. Комиссия томонидан танловда қатнашиш учун топширилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темуристон кўчаси, 2-уй) 2020 йил 20 октябрь кунидан бошлаб, ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 га қадар амалга оширилади ва танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади. Жумладан, 2020 йил 20 октябрь кунини соат 10.00 дан 18.00 гача Ангрен, Олмалик, Охангарон, Нурафшон шаҳарлари, Охангарон, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Паркент туманлари; 2020 йил 21 октябрь кунини соат 10.00 дан 18.00 гача Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Бекобод, Бўка, Пискент, Қўйи Чирчиқ, Оққўрган, Чиноз ва Янгийўл туманлари; 2020 йил 22 октябрь кунини соат 10.00 дан 18.00 гача Чирчиқ шаҳри, Зангиота, Тошкент, Қўрай ва Бўстонлиқ туманлари бўйича танлов ўтказилиб, натижаларга кўра ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари: танловда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шаҳобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Қўйдаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар: қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган; фаолият юритаётганига олти ой бўлмаган; охириги икки йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даража-

да бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса. **Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:** истеъмолчи учун жойлашган жойининг қўлайлиги (вилоят ва туман-шаҳар марказлари, бозорлар ва бошқаларга яқинлиги); мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) мавжудлиги; талабгорнинг ҳисобсаврағидagi мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари; талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган транспорт ёки бошқа техника воситаси; кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги. **3. Танловда иштирок этиш истагини билдирган савдо ташкилоти қўйдаги ҳужжатларни тақдим этади:** Комиссия номига ариза; давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; савдо ташкилоти таъсис қилинган жойининг нусхаси; савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси; савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойининг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак); мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойининг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади); талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси; талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган техник соз ҳолатдаги транспорт ёки бошқа техника воситаларига оид ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда уларнинг техник тавсифи; кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори (10 фоиздан кўп бўлмаган); савдо ташкилотининг мол-мулклар реализация қилиш бўйича ҳисобини юритишга мўлжалланган махсус дастурий таъминотни ишлатиш мажбурияти. Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, уларнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин. Мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шўба туғилган тақдирда, танлов ўтказилиши белгиланган кунда Комиссия томонидан мазкур ҳужжатларнинг асл нусхалари талаб қилиниши мумкин. Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги текширилади ва ҳужжатларнинг асли қайтариб бериллади. Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туманга (шаҳарга) яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссиянинг ишчи органи томонидан қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш таққиланади, мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Аризига талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзо (муҳр)ланган ҳолда илова қилинади. **4. Талабгорлар томонидан тақдим қилинган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:** ариза ва ҳужжатлар Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармаси биносиди (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темуристон кўчаси, 2-уйча; (тел.: (71) 263-53-07, (71) 263-50-65) Комиссия ишчи органи Бюронинг Тошкент вилояти бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими томонидан 2020 йил 14 октябрь кунига қадар қабул қилинади. Аризига илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпирилган (муҳрланган) конверт билан ушбу эълонда кўрсатилган манзил бўйича “Ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси”га деган ёзув билан тақдим қилиниши керак. Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади. Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хат бошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси**

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Хуллас, юқоридаги мисолларда баён этганимиздек, зўрма-зўраки ўзбекча-лаштирилган сўзлар халқимиз муомаласига сингиб кетмади. Аниқроғи, ўз маъно доирасини оқолмади. "Машаққатли сабоқларимиздан" кутилган самара бўлмагач, "Сал талабни юмшатайлик", деган таклифлар билан чиқдик. "Биласизларми, ўзбекчани зўрга гапиришни ўрганаётган бошқа миллат вакилига биз бирдангина Навоий ёки Бобур боболаримизнинг аруз вазида ёзилган ғазалларини ёд оласан, дегандек бўлаяпмиз. Идораларда ҳужжатлар юритишни дав-


ўзгартириб ёзардик. "Қўқон"ни "Какан"га, "Қўйлик"ни "Қўйлюк"ка, "Ўрта Чирчиқ"ни "Среднечирчикский район"га айлантирдик. Аммо, миллатлар "тенг ҳуқуқли" мамлакатда бирор мард Нижний Новгородни "Қуйи Новшаҳар" бўлсин, деб таклиф қилмади! Таклиф у ёқда турсин, русча сўзларни истеъмол қилишда "техник" сабабларга кўра, яъни тасодифан оддий бир ҳарфий хатога йўл қўйиш ҳам шармандалик, аниқроғи, ўта маданиятсизлик ҳисобланган. Ёки бирор жойда учратганмисиз, "Салон красоти" деган сўзларнинг "Слон красоти" ёки "проректор" ўрнига "пора-

томонлардаги уловлар ортида айнан шу оғохлантиришнинг гўзал намунасини учратган эдим: "Эй, сарбон, оҳиста юр...". Энди ўзингиз баҳо беринг: томдан тараша тушгандек, "Қувиб ўтма!" деган буйруқ билан мазкур шеърий сатрлардан олинган сўзларнинг фарқи борми? Улар нафақат тилимизнинг гўзаллиги, нафислиги, бойлиги ва қадрини кўтарибгина қолмай, балки сизни ва сизга ўхшаган кўплаб йўловчиларни манзилга елтаётган ҳамда ҳаётингизга масъул бўл-

"Давлат тили ҳақидаги" Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Орадан 16 кун ўтиб (2019 йилнинг 21 октябрида) Юртбошимиз яна бир муҳим ҳужжат – "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони

"Тил нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одати, турмуш тарзи тарихидир."

имзолади. Ўтган йилнинг декабрида эса Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат тилини ривожлантириш Департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қа-



"Ҳаққиёт га кўнмаган келин"

лат тилига ўтказиб, йиғилишларни ўзбекча олиб борсак бўлди-да! Хайдовчи ҳам машинага ўтирган захоти бирдангина уни учинчи ё туртинчи тезликка урмайди-ку!" деган мулоҳазалар айтилди. Бу фикрларда жон бор эди. Бироқ, бундай "бағрикенглик" бир оз қимматга тушди...

Тилимизга давлат мақоми берилганга ўттиз йилдан ошди. Тўғри, бу даврда кўп хайрли ишлар қилинди. Бундан фахрланса арзийди. Аммо, аксарият ишларимиз қозғола, ёзувда қолиб кетаверибди. Сўзлашув муомаласида эса катта ўзгариш бўлмади. Сир эмас, ҳалигача кўча-кўйда, транспортда, ишда ёки жамоатчилик орасида ҳамроҳимиз бошқа миллат вакили бўлса, албатта, у билан русча гаплашамиз. Менимча, бу ҳол ота-боболаримиздан қолган ўзбекча уятчанлик, ўзим қийналасан ҳам бировга озор етмасин, деган истиҳола, андиша қон-қонимизга сингиб кетганидан бўлса керак. Аслида "ога"ларимиз бизнинг ана шу одобимизу шарқона маданиятимиздан ҳам йиллар давомида усталик билан фойдаланиб келишган. Собиқ шўро даврида Масков ранжимасин деб шаҳар-қишлоқларимиз номларини ҳам уларга мос

... "чиқиш эҳтиёт йўли"ни ҳалигача тополмаяпти

"Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши демак."

ректор" деб адашиб ёзилганини? Агар тасодифан шундай хатolik ўтган тақдирда гўзаллик қононасидаги маликаларни "фил"га, олийгоҳдаги "фариштадек" домлаларни тамағига ўхшатганингиз сизга неча пулга тушишини тасаввур қилсангиз керак!

Ёдингизда бўлса, илгари автотранспорт воситаларида йўл қодаларига риоя қилишга даъват қилувчи шиорлар ёзиб

ган хайдовчиларнинг ҳам кўнглига илиқлик, асабларига хотиржамлик беради.

Шу ўринда ҳар қадамда учрайдиган эълон ва реклама ҳусусида ҳам фикрларимиз бор. Реклама тили аниқ, содда ва тушунарли бўлиши лозим. У ахлоқий меъёрлардан чиқиб кетмаслиги, мантикий қодаларга риоя этиши, янаям аниқроғи, махсуслотга хизмат қиламан деб, маънавиятга путур етказмаслиги зарур. Ҳалигача шаҳарларнинг кўрнарли жойларида кондиционер ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг "Иссиқ-сувуқ қиламиз!" деган чақириқларини кўрсакда, парвосиз ўтаверамиз. Автобусларнинг "запасной выход"ларини "Чиқиш эҳтиёт йўли" деб таржима қилишса ҳам, филдек-филдек рекламалардаги "Любим вас настоящую" деган "дил изҳорларини" "Ҳақиқий сизни севамиз!" деб ўзбекча-лаштиришса ҳам ишимиз йўқ.

2019 йилнинг 4 октябрида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,
журналист



СПОРТ

янгиликлари

ИККИ ПОЙГАДА БИР ҒОЛИБ

Бўстонлик туманида Икки кун давомида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда "Асака Банк" билан ҳамкорликда "Муствақиллик кубоги" велоспорт мусобақаси ўтказилди. Мусобақанинг дастлабки кунини спортчилар шосседа 20 км. масофада яккалик пойга йўналишида беллашишди.



Салкам ярим йил уй шароитида шуғулланган спортчилар учун мазкур пойга чинакам байрамга айланиб кетди. Унда ўсмирлар, ёшлар ва катталар терма жамоалари аъзолари қатнашишди. Мусобақанинг биринчи кунини якунларига кўра, эркеклар ўртасидаги баҳсда "Токио-2020" лицензианти Муроджон Холмуродов ғалабани қўлга киритди. Аёллар ўртасида эса Янина Кускова энг яхши натижани қайд этди.

Турнирнинг иккинчи кунинида турли вилоятлардан ташир буюрган 150 нафарга яқин спортчилар гуруҳ пойгаси йўналишида баҳс олиб боришди. Пойга баҳсларида эркеклар 83 км., аёллар эса 42 км. масофани босиб ўтишди.

Эътиборли жиҳати, мусобақанинг иккинчи кунинида ҳам Муроджон Холмуродов ҳамда Янина Кускова ҳаммани ортада қолдириб, ғолиб бўлишди.

Маълумот учун, велоспортчиларни шу ойнинг сўнггида йилнинг энг нуфузли мусобақаси – жаҳон чемпионати кутиб турибди. Бу йилги турнир Италияда ўтказилади.

ЧЕЛЕНЖ:

#ҲАЁТГА ҚЎШИЛ!

Хабарингиз бор, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан карантин даврида юртдошларимиз орасида уй шароитида жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишни тарғиб қилиш мақсадида эълон қилинган "#ўйдақол!" "#ҳаётқақўшил!" челленжнинг 17-23-август кунлари ўтказилган босқичида 1-ўринни Пискент тумани, "Бирлик" маҳалласида истиқомат қилувчи Абдувоҳидовлар оиласи қўлга киритган эди.


Шу муносабат билан вилоят Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамолддин Саъдуллаҳўжаев ғолибларга қимматбаҳо соврин – велотренажёрни топширди ҳамда челленж давомида кўрсатган фаоллиги учун миннатдорлик билдирди.

Митти ҳикоялар

СТОЛДАГИ ХАТ

"Хайрли тонг, азизим! Нонуштангиз тайёр. Шарбат музлаткичда. Тонгги газетани иш столингизга қўйдим. Ишга кеч қолманг-а! Тушликда кўнғироқ қилишни унутманг! Сизни ўпиб қоламан! Мен аэропортга кетдим. Бугун эрим келади..."

Муҳаммадхон ЮСУПОВ



ЗИҚНАЛАР

Дарвозанинг қаттиқ тақиллаши хонадон аъзоларини хавотирга солди.
– Светдандир...
– Газдандир...
– Ишқилиб гадоий бўлмасинда, пул бергим йўқ...

– Ваҳима қилмасдан бориб очсаларинг, биланми, – деди уйнинг каттаси ўдағайлаб.

– Бобо, кўркманлар, қўшни маҳалладаги Ориф ака вафот этибди, жанозага айтгани келишибди, – деди эшикка қараган болакай.

Ҳамма баравар чуқур нафас олиб, бир овозда жўр бўлди:

– Худого шукр...

Меҳриғиё ҲОЗОРОВА



Обунага... ОҚ ЙЎЛ!

Сирасини айтганда, электрон оммавий ахборот воситаларининг, турли-туман сайтлар, блогерлик фаолиятининг ривожланиб бораётгани журналистиканинг ўзига хос, оламшумул ютуғидир. У ахборот теҳнолоғии ва ранг-баранглиги кучайишига, шунинг билан бирга, ошқоралик, фикрлар хилма-хиллиги, шу орқали демократик жараёнларнинг тезлашуви ва шаклланишига ҳам катта ҳисса қўшаётир.

Аммо, жамият ҳаётида даврий нашрларнинг, жумладан, газеталарнинг ўрни ва аҳамияти бошқача. Бу, энг аввало, газеталарнинг ижтимоий-сиёсий нашрлигида акс этади. Яъни, улар давр ва замон руҳини, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни чуқур,

атрофлича ҳамда профессионал тарзда таҳлил этилиши билан ифодаланади. Айнан мана шу жараён газеталарнинг соломачилик ва, ҳеч муболағасиз, янги тарихни битишдек улкан вазифани бевосита бажара бориш амалиётига асос бўлади. Қолаверса, газеталар бевосита уларнинг яратувчилари профессионал журналистлар эканлиги сабаб, замонавий адабий тил мукамаллигига эга бўладилар. Бундан ташқари, газеталарнинг «Халқ минбари»лиги, унда турли соҳа мутахассислари чиқишлари орқали омманинг маънавияти ва маърифатига катта таъсир этиши имконияти яратилади.

Газета мутлоааси, худди китоб мутлоааси каби кишининг

билими, онгу тафаккури, маданияти ва маънавияти юксалишига хизмат қилади. Газета ахборот тарқатишдан ташқари яна ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий, касбий ва ҳоказо дунёқарашлар салоҳиятининг оширилишига хизмат қилади. Агар газеталар мана шундай нуфуз ва салоҳиятга эга бўлмаса, АҚШ, Япония, ХХР, Буюк Британия, Россия, Франция, Канада каби илгор мамлакатларда газеталар аллақачон ахборот майдонини тарқ этган бўлар эди. Лекин ҳозирги кунда шу ва бошқа давлатларда газета ва журналлар адади ҳамда даврийлиги (масалан: тонги, кундузги, кечки нашрлар) ортиб бораётир.

Юртимизда ҳам зиёли ва-

тандошларимиз, жамиятнинг, хусусан, ёшларнинг келажаги ва маънавиятига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз газета ҳаётини зарурат эканлигини яхши англаган ҳолда уни сақлаб қолиш ва фаолиятининг равақ топиши учун астойдил қайғурмоқдалар. Нурафшон шахри ҳамда Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи бир гуруҳ нурунийлар, Халқ депутатлари шахар ва туман Кенгашлари депутатлари ҳамда зиёлилардан иборат меҳнат фахрийлари ташаббуси билан «Машъал» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида «Газета яшати керак!» акцияси ташкил этилди. Акцияда ташаббускорлар газеталарнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз

Яхши ташаббус



юртидилар, кейинги пайтларда «мажбурий обуна» ва бошқа важлар туфайли, қолаверса, газеталарнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий аҳамияти юзасидан етарлича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмаётганлиги, бу эса газеталар нуфузига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги сабабли зиёлилар ва меҳнат фахрийлари шундай ташаббус билан чиққанлари таъкидланди.

"Маслаҳатли тўй тарқамас", дейди халқимиз. Умид қиламизки, жонқуяр отахонлар, зиёлилар, меҳнат фахрийларининг дуолири билан бошланган эзгу иш ҳар доимидек самарали бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, қадриятимиз ва маънавиятимиз тимсоли бўлган газеталаримиз асло завои топпайди.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Нурафшон шахри ва Ўрта Чирчиқ туманининг "Машъал" газетаси муҳбири



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-943. 4 278 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@mail.uz // th-tp@inbox.ru

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шахри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Шаҳриёр
ИБРАГИМОВ